



Қ А Р О Р

2007 йил «19» феврал

№ 357 -Қ

Лойиш шаҳарчаси Ал-Бухорий кучасида
буш турган ер майдонидан меҳмонхона
қурилишига ер ажратиб бериш ҳақида.

Туман ҳокимлигига Лойиш шаҳарчасида яшовчи фуқаро Насимов Иброгим томонидан 2007 йил 19 февралда 264 – сонли ариза билан мурожаат қилиб, меҳмонхона қурилишига ер ажратиб беришни сураб ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш комиссиясининг 2007 йил 19 февралдаги далолатномасини қуриб чиқиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н

1. Лойиш шаҳарчаси Ал-Бухорий кучасида жойлашган Собик билим юрти бинолари урнидаги буш турган ер майдонларидан фуқаро Насимов Иброгимга меҳмонхона бинолари қурилишига 0,30 га ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш комиссиясининг 2007 йил 19 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Насимов Иброгимга меҳмонхона бинолари қурилиши учун ажратилган ер майдонига АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда қурилишни тегишли вилоят ташкилотлари билан келишилгандан кейин қурилиш ишларини бошлашга руҳсат берилсин.
3. Туман бош архитектори С.Абдурахмоновга меҳмонхона бинолари қурилиши учун ажратилган ер майдонини чегараларини аниқлаб бериш ва қурилишни тасдиқланган лойиҳа асосида олиб борилишини назорат қилиш топширилсин.
4. Мазкур қарорни ижросини назорат қилишни уз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Нарзиев.